
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БЕШАРИҚДА ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШДА МАВЖУД ИМКОНияТЛАРДАН ТўЛАҚОНЛИ ҲОЙДАЛАНИЛМАЁТГАНЛИГИНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Бешариқ туманидаги давлат солиқ инспекцияси секторидаги “Люкс ян текс” МЧЖ пахтачилик кластери корхонасида бугунги кунда пахта толасидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган цехлар фаолият олиб бормоқда. Вилоят раҳбари Хайрулло Бозоров тумандаги ўрганишлари давомида бу ерда бўлиб, ишлаб чиқариш қувватлари билан танишди. Корхона томонидан 2021 йил давомида қиймати бор-йўғи 400 минг АҚШ долларида зиёд маҳсулотлар хорижга экспорт қилинганлиги маълум бўлди.

Вилоят ҳокими 1000 ўринли корхонада атиги 130 нафардан зиёд ишчи-ҳодимлар ишлаётганига эътибор қаратди ва буни кескин танқид қилди. Ўқув маркази фаолиятини йўлга қўйиб, янги ишчи-ҳодимларни тайёрлаш, корхона янада жонлантириш юзасидан тадбиркор ва мутасаддиларга кўрсатма ва топшириқлар берди.

Шу кунги Янги Ҳаёт МФЙ ҳудудида тадбиркор Одилжон Турғунов “Шарқона пласт” оилавий корхонасининг декор, пластик, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш цехи ҳақида маълумот берди. Умумий қиймати 1 млрд. сўм бўлган корхонада диаметри 400-500 мм бўлган қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 15 нафардан ортиқ иш ўринлари яратилганлиги айтиб ўтилди.

Навбаҳор маҳалла фуқаролар йиғинида “Beshariq Crusher” МЧЖ томонидан ташкил этилган ун ишлаб чиқариш корхонасида 2021 йилда Туркия технологияси асосида янги қувватлар ишга туширилган. Ишлаб чиқариш қуввати 30 минг тоннадан зиёд. Умумий лойиҳа қиймати 17,5 млрд. сўм бўлган корхонада 30 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар меҳнат қилмоқда. Вилоят ҳокими корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Бироқ, туманда ишсизликни камайтириш учун мавжуд имкониятлардан етарлича ҳойдаланилмаётганлигини яна бир бор таъкидланди. Сектор раҳбарлари ва масъулларга аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан зарур вазифа ва топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-23 16:09:42